


Түрткүлда "Ҳар бир ёшга-бир гектар" лойиҳаси амалда

Юртимиз келажаги бўлган ёшларга бугун эътибор катта. Ишсиз ёшларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида уларга ҳар томонлама имкониятлар яратилмоқда.

“Ёшлар дафтари” да рўйхатда турган ёшлар билан ишлашни янада мустаҳкамлаш орқали уларнинг бандлигини таъминлаш борасида амалий ишлар бажарилмоқда. Тўрткўл туманида 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар 49850 нафарни ташкил қиласди. Улардан 5735 нафари “Ёшлар дафтари”га киритилган.

Қишлоқ хўжалигига ёшлар бандлигини таъминлаш, уларни молиявий қўллаб-куватлаш, қишлоқ жойларда янги иш ўринларини яратиш мақсадида жорий йил туманда 2000 гектар ер майдони ажратилиши кўзда тутилган.



Бу билан 7500 нафар ишсиз ёшларнинг бандлиги таъминланади.

Хусусан бугун “Ҳар бир ёшга бир гектар” лойиҳаси доирасида Тўрткўл туманидаги “Шўрахон” овул фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган Даврон Рўзибоев раҳбарлигидаги “Зиё-нурли маскан” фермер хўжалигига 6 гектар ер майдони ушбу ҳудудда истиқомат қилувчи 22 нафар ишсиз ёшларга 30 сотихдан ажратиб берилди.

Ёшларнинг ўзини ўзи иш билан банд қилишлари мақсадида ташкил қилинаётган ушбу тадбирда 1-сектор раҳбари, туман ҳокими Р.Шамуратов, Ўзбекистон Республикаси фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши раиси ўринbosари Ҳ.Тошмуров, сектор раҳбарлари, Ёшлар ишлари агентлиги, ОФИ раислари ва нуронийлари, масъул корхона ва ташкилотлар раҳбарлари, ҳудуд маҳалларидаги ёшлар иштирок қилдилар.



Кўргазмали тарзда ташкил этилган ушбу тадбирда туман раҳбари Р.Шамуратов, Ҳ.Тошмуровлар сўзга чиқиб, ёшларга берилаётган имкониятлардан унумли

фойдаланиш лозимлигини, ернинг ҳар бир қаричидан оқилона фойдаланган инсон кўзлаган мақсадига эришиши мумкинлигини таъкидлаб ўтдилар. Шу билан биргаликда тадбирда дехқончиликни бошлашга аҳд қилган ёшларга дехқончилик соҳасидаги мутахасисслар ўз ёрдамларини бериши, жорий йилда яхши натижага эришган ёшларга эса келажакда яна кенгроқ тартибда дехқончилик қилиши учун имкониятлар аратилиши ҳақида сўз юритилди.

- Бугун менга ишонч билан 30 сотих ер ажратиши. Оиламиз аъзолари қаторида мен ҳам дехқончиликка қизиқканлигиим сабаб бугун менга ажратилган ердан унумли фойдаланишни ва кўзланган юқори ҳосилни олиб, юртимиз дастурхонининг мўл-кўл бўлишига ўз ҳиссамни қўшишни мақсад қилиб қўйдим,- дейди Б.Вапаев.

Кенг кўламли ишларни амалга оширишда сектор раҳбарлари, қишлоқ ҳўжалиги бўлими, Дехқон фермер ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши ҳамкорлигига бошланди. Лойиҳа секторлардаги ҳудудларда ҳам давом этади.

Тўрткўл тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.